

АЛИМЕНТ ҚАРЗДОРЛИГИ УЧУН ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШГА ҚҮЙИЛГАН ТАҚИҚНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ТАРТИБИ

Холмуродов Бунёд Бекмурот ўғли

Навоий вилояти юридик техникуми

хуқуқшунос ўқитувчиси

Кўндибаев Бехзод Суннатулло ўғли

Навоий вилояти юридик техникуми

Кафедра мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002404>

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқши ва тарбиялашига мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига асосан ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот берини кўрсатилган. Шунингдек, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсияда ҳам вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиши ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Калим сўзлар: Алимент тўловчи, алимент, хорижса чиқиши вақтинча чеклаш, алиментни олдиндан тўлаш, гаров шартномаси, чет-элга чиқишига тақиқни олиши, алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарор.

THE PROCEDURE FOR REMOVING THE BAN ON GOING ABROAD FOR ALIMONY ARREARS

Abstract. According to Article 64 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, parents are obliged to feed and educate their children until they reach adulthood. According to the Family Code of the Republic of Uzbekistan, it is specified that parents provide for their minor children. Also, the Convention on the Rights of the Child stipulates the right of minors and adult children to receive material support.

Key words: Alimony payer, alimony, temporary restriction of travel abroad, advance payment of alimony, pledge agreement, obtaining a ban on travel abroad, decision on calculating the amount of alimony.

ПОРЯДОК СНЯТИЯ ЗАПРЕТА НА ВЫЕЗД ЗА РУБЕЖ ДЛЯ ЗАДОЛЖЕННОСТИ ПО АЛИМИТЕТАМ

Аннотация. Согласно статье 64 Конституции Республики Узбекистан, родители обязаны кормить и давать образование своим детям до достижения ими совершеннолетия. В Семейном кодексе Республики Узбекистан указано, что родители обеспечивают своих несовершеннолетних детей. Также Конвенция о правах ребенка предусматривает право несовершеннолетних и совершеннолетних детей на получение материальной поддержки.

Ключевые слова: плательщик алиментов, алименты, временное ограничение выезда за границу, авансовая выплата алиментов, договор залога, получение запрета на выезд за границу, решение о расчете размера алиментов.

Алимент тўловчи айрим шахсларнинг бевосита даромад манбаи чет элга чиқиши, миграция билан боғлиқ. Б ундаи ҳолларда чет элга чиқишига қўйилган тақиқни алиментни

олдиндан тўлаш ёки алимент бўйича гаров шартномасини тузиш орқали олиб ташлаш мумкин.

1. Чет-элга чиқишига тақиқни қандай олиб ташлаш мумкин?

Суд ёки МИБ томонидан алимент тўловчиларнинг хорижга чиқиши вақтинча чекланиши мумкин.

Чет элга чиқишига тақиқни 2 та усул билан олиб ташлаш мумкин:
алиментни олдиндан тўлаш;
алимент бўйича гаров шартномасини тузиши.

2. Алиментнинг қанча даврини олдиндан тўлаш керак?

Алимент олдиндан 5 йилдан кам бўлмаган муддатга тўланиши керак. Болалар voyaga етгунигача бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, алиментларни олдиндан тўлаш қолган давр учун амалга оширилади.

3. Гаров шартномаси миқдори қанча?

Алиментни тўлашни гаров билан таъминлаш ҳам мумкин ва бунда гаров қиймати БХМнинг 250 баравари (85 млн сўм)дан кам бўлмаслиги лозим. Ҳар қандай мол-мулк (автомобиль, дўкон, уй-жой, квартира) гаров бўлиши мумкин.

4. Кимга мурожаат қилиш керак?

Алиментни олдиндан тўлаш ёки алиментни гаров билан таъминлаш учун ижро ҳужжатини берган фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилинади.

Бунда судга ижро ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида ариза берилади. Аризага МИБ томонидан берилган алимент тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома, давлат ижроининг олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарори илова қилиниши шарт.

Алимент гаров билан таъминланганда эса гаров шартномаси ҳам илова қилиниши керак.

Бундан ташқари, аризада алиментни ойма-ой тўлаб бориш учун тўскинлик қиласидан объектив ҳолатлар қўрсатилади (бошқа мамлакатга ташриф буюриш тўғрисида таклифнома, бошқа мамлакатда ишга тайинланганлиги тўғрисидаги бўйруқ ва ҳ.к.).

5. МИБ маълумотномани қанча муддатда бериши лозим?

Қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома ва давлат ижроининг олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар миқдорини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бериш тўғрисидаги ариза 7 иш кунида кўриб чиқилади.

Ҳужжатларни қўшимча ўрганиш талаб этилганда ариза 15 иш кунида кўриб чиқилиши мумкин.

Олдиндан тўлаш белгиланган алиментлар суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб бир ой муддат давомида амал қиласиди, бу ҳақда қарорда қўрсатилади.

6. Гаров шартномаси қандай тузилади?

Гаров шартномаси нотариал тартибда тасдиқланади. Алимент 2 ойдан ортиқ муддатда тўланмаса, ундирув гаровга кўйилган мулкка қаратилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 2001 йил 29 августдаги ўрқ-258-сон ги қонуни.
3. Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги 808-сонли Низом.
Интернет сайтлари
4. [Http://www.president.uz](http://www.president.uz). (Ўзбекистон Республикаси сайти).
5. [Http://www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти).
6. [Http://www.sud.uz](http://www.sud.uz). (Ўзбекистон Республикаси Олий Суд сайти).